



**«ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ХУДУДЛАРИДАГИ  
МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН  
Фойдаланиш асосида импорт ўрнини  
босувчи маҳсулотлар ишлаб  
чиқаришнинг долзарб масалалари»  
мавзусида республика илмий-амалий  
конференцияси**

**МАТЕРИАЛАРИ**

**(2017 йил 27-28 апрел)**



**НАМАНҒАН -2017**

44	<b>ЖАҲОН ГЛОБАЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ</b> И.ф.д., проф. И. Иватов - ТДИУ	101
45	<b>КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ.</b> О.С.Казаков - НамМТИ	106
46	<b>КОРХОНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ</b> Турсунов Бобир ТДИУ “Менежмент” кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси	107
47	<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СЕРТИФИКАТЛАШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР.</b> И.ф.н. Б.Т.Байхонов - ТДИУ Катта илмий ходим-изланувчиси	108
48	<b>ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ- УСТУВОР ВАЗИФА.</b> Доцент И.Махкамов, катта ўқит. М.Бекмирзаев, ассистент Т.Махмудов - НамМТИ	111
49	<b>ЕР СУВ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ- ЭКОЛОГИК МУАММОНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ.</b> И.Махкамов, Т.Махмудов - НамМТИ	115
50	<b>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ҲАЖМИНИ ОШИРИШДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИ МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АҲАМИЯТИ</b> Б.Н.Дедажанов и.ф.н., доц.- НамМТИ, Ф.И.Эргашева - Наманган қурилиш ва дизайн КҲК	118
51	<b>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР-СУВ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</b> Р.А.Рашидов, З.Расулова - НамМТИ	120
52	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</b> Тошкент Банк коллежи ўқитувчиси Эломонов Д.	123
53	<b>ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҒАЗНА ИЖРОСИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ</b> БМА тингловчиси Юсупов Ш.Х.	125
54	<b>АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ВА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИНИ ЯРАТИШ БОСҚИЧЛАРИ</b> Тошкент Банк коллежи ўқитувчиси Мажидов Ш.	127
55	<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНИШИ</b> М.Ғаниев, З.Абдулҳакимов, Ш.Охунбабаева, Ахмадалиев У. Наманган Мухандислик-Технология Институди	128

## **КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ**

О.С.Казаков

Наманган мухандислик-технология институти

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бозор шароитида иқтисодиётнинг ривожланишини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланган бу фаолият турининг ривожланиши жадал суръатларда амалга оширилди. Бу жараён ҳозирги вақтга қадар ривожланиб келмоқда.

Тадбиркорлик соҳасидаги ўзгариш суръатлари яхши, аммо кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётга таъсирини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар кўрилиши зарур.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти субъектларида фаолият самарали йўналишларда олиб борилиши талаб этилмоқда. Улар кутилганидан юқорироқ даражада фаолият олиб боришлари ва бозорлардаги рақобат курашида янада фаолроқ қатнашишлари талаб этилади. Наманган вилоятининг қатор кичик бизнес субъектлари фаолиятларини такомиллаштириб бориб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг катта қисмини экспортга йўналтирмоқдалар. Бундай корхоналар қаторида “Чашмаи Сафед”, “Амир”, “Дамбоғ”, “Голден Ринг” каби кичик бизнес субъектларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Аммо, кўпчилик кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятлари натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш у ёқда турсин, балки ички бозорларда рақобатлаша олмаяптилар.

Бизга маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари олдида қўйилган асосий вазифалардан бири – улар фаолиятини такомиллаштириб бориб, экспорт салоҳиятини оширишдан иборатдир. Кичик бизнес субъектлари имкони борича маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда рақобатбардошли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари ва бу маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқишлари талаб этилмоқда. Бу фаолиятни амалга ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар учун жаҳон бозорига чиқиш йўл-йўриқларини кўрсатувчи услубий қўлланмалар, кўрсатмалар тайёрлаш керак, уларни бу соҳадаги билимларини ошириш мақсадида худудий семинарлар ташкил этиш лозим. Вилоятларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маҳсулотлар ва хизматлар билан экспорт қилиш бўйича кўмаклашадиган маслаҳат маркази очиш мақсадга мувофиқдир. Бу марказ вилоятдаги барча тадбиркорларнинг кўмак берадиган маркази ҳисобланади. У томонидан хорижга чиқарилиши мумкин бўлган маҳсулотлар ва хизматлар аниқланади. Бу маҳсулотлар ва хизматлар тўғрисида вилоятлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари хабардор қилинади. Кичик бизнес субъектларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва уларни хориж мамлакатлардаги бозорларга чиқиши

бўйича амалларни биргаликда бажарилади. Бу тартибни қўллаш ва марказни ташкил этиш мамлакатимизда кичик бизнес ривожига янада катта туртки беради ва мамлакатнинг экспорт-импорт балансини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.